

---

## Сайёр қабули ўтказилди.

Данғара тумани ҳокими 1-сектор раҳбари ҳамда Данғара тумани Халқ қабулхонаси мудири иштирокида 1-сектор худудида жойлашган Бөғиш МФЙда аҳолини ўйлантираётган муаммолари юзасидан сайёр қабули ўтказилди.

Сайёр қабул давомида фуқароларнинг электр таъминоти, ичимлик суви, даволаниб соғлиқни тиклаш бўйича моддий ёрдам ажратилиши бўйича мурожаатлари тингланди. Барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олинниб, ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди. Муддат талаб этилувчи мурожаатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди. Қабул сўнгидаги электр энергияси ҳамда хонадон таъмири бўйича йўлланган мурожаат жойига бориб ўрганлди. Электр энергияси бўйича муаммо жойида бартараф этилди. Хонадон таъмири бўйича мурожаат тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

---

2024-02-13 17:46:38